

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2020-yil 26-dekabr, shanba 72 (9109)-son

e-mail: info@qishloqhayoti.uz

ФАРҒОНАДА 48 ТА ЁШ ОИЛА ЯНГИ УЙГА КЎЧИБ КИРДИ

Фарғона шаҳридаги "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғинида "Ёшлар уйи" фойдаланишга топширилди.

Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган ёш оилалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари асосида уйлар қуриб берилмоқда. Бу эзгу саъй-ҳаракатлар юксак ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси сифатида қалбларда чексиз миннатдорлик туйғусини уйғотаяпти. Жумладан, вилоятда 2019-2020 йилларда 110 та шундай уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилгани юксак эътибордан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 27 августдаги "Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қа-



рори бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вилоят марказида бунёд этилган 48 хонадондан иборат "Ёшлар уйи" ана шу ишларнинг узвий давомидир. "Fagstroy group" хусусий корхонаси томонидан қурилган уйга 4,5 миллиард сўм маблаг сарфланган. Мазкур уйларнинг очилиш маросими катта шодийнага айланган.

Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров юртимизда навқирон авлод вакиллариغا яратилаётган кенг имкониятлар, давлатимиз томонидан қўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик улар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя



қилишга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси эканлигини таъкидлади.

Ёш оилаларга янги уйларнинг калити тантанали топширилди. Ҳозирга қадар хонадонлар-

нинг 28 таси ёш оилаларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари асосида ажратилди. Мазкур оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ёшлар иттифоқи томонидан уйни дастлабки бадалининг 65 фоизигача бўлган қисми молиялаштирилиб берилди.

Замонавий меъморлик анъаналари асосида бунёд этилаётган "Ёшлар уйи"да барча шароит мавжуд.

– Шундай шинам икки хонали уй-жойга эга бўлганимиздан беҳад хурсандимиз, – дейди кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони Абдоржон Бурҳонов. – Ёшларга юксак эътибор қаратилганидан, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватладиган мамлакат дунёда кам топилади. Ўз уйи бор ёшларнинг кўнгли албатта, хотиржам бўлади. Шу боис бунинг қадрига етиб, истиқлолни асраб-авайлашимиз, Ватанимиз равақига муносиб ҳисса қўшишимиз лозим.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири,
Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА)
олган суратлар.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИГА 420 ТАДАН ОРТИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ ОЛИБ КЕЛИНАДИ

Иш қуролини соз бўлса, машаққатинг оз бўлур. Дарҳақиқат, юртимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли, серҳосил етиштиришда хўжаликларнинг замонавий, иш ҳажми юқори, илғор техникалар билан таъминланганлиги асосий омил ҳисобланади.

Улардан самарали ва тўлиқ фойдаланиш учун ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш, носозликларни бартараф қилиш, таъмирлаш, диагностикалаш ва тўғри сақлаш каби техник жараёнларга тўлиқ риоя қилиш талаб этилади. Айни кунларда Навоий вилоятида баҳорги дала ишларида қатнашадиган 4 минг 500 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникалари таъмирланмоқда.

Ҳар бир тумандаги техникалар жойлардаги таъмирлаш масканларида носозлик даражасига қараб зарур эҳтиёт қисмлари янгисига алмаштирилаяпти. "Ўзагроинспекция" вилоят бошқармасининг туманлардаги инспекторлари томонидан таъмирлашга келтирилган барча техникаларга нуқсон далолатномалари тузилиб, шунга асосан таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

– Баҳорги юмушларнинг сифатли бажарилиши учун ҳозирданок қишлоқ хўжалиги техникаларини тайёр ҳолатга келтириб қўйиш, уларнинг техник соғлигини кўздан кечириш муҳим масалалардан биридир. Шу боис айни кунларда вилоятнинг Кармана, Конимех, Қизилтепа, Навбахор ва Хатирчи туманларида таъмирлаш ишлари қизгин олиб борилмоқда. Ходимларимиз жойларда бўлиб, фермерларга тегишли қишлоқ хўжалиги техникаларини кечиктирилмай таъмирлаш лозимлигини тушунтирмоқда. Ҳозирга қадар 4 минг 500 дан ортиқ техникадан 3 минг 101 таси таъмирланди. Соз ҳолатга келтирилган техникаларнинг 950 таси Хатирчи туманига, 803 таси Навбахор туманига тўғри келади. Қолган ҳудудларда ҳам таъмирлаш ишлари жадал амалга оширилмоқда, – дейди "Ўзагроинспекция"нинг вилоят бошқармаси техника ҳолати ва агротехник тадбирларни назорат қилиш бўлими бош инспектори Баҳодир Агазов.

– Қишлоқ хўжалигида соҳани замонавий, арзон, агротехник жиҳатдан ишончли бўлган техникалар билан таъминлаш муваффақиятга эришишда муҳим шартлардан бири эканлиги сир эмас, – дейди инспекция вилоят бошқармаси матбуот хизмати раҳбари Зулфия Бобоева. – Ўтган йили вилоятга жами 50 донга юқори унумли пневматик чигит экиш сеялкалари ҳамда 8 донга янги комбайн олиб келинган эди. Келгуси йилда ҳам вилоят бўйича 420 донадан ортиқ турли русумдаги қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлар олиб келиниши режалаштирилган.

Республикамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида аграр соҳани ислоҳ қилиш, унга бозор механизмлари ва замонавий технологияларни жорий қилиш юзасидан қўллаб-қувватлаш белгиланган. Ўз навбатида техникалардан самарали ва оқилона фойдаланиш ҳам аграр соҳа ривожига хизмат қилади.

Абдували БҮРИЕВ,
ЎЗА мухбири.



Сирдарё вилояти

Уч туманда касб-ҳунарга ўқитиш масканлари очилди

бунинг натижасида ҳудудлардаги 200 нафардан зиёд ишсиз хотин-қизлар тикувчилик, пазандчилик, ёшлар эса компьютер саводхонлиги бўйича чуқур малакага эга бўладилар

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан биргаликда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида "Сирдарё вилоятидаги аҳолининг заиф қатлами қўллаб-қувватлаш дастури" доирасида Оқолтин, Сардоба ва Мирзаобод туманларида пресс-тур ташкил этди.

Айтиш жоизки, Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги қатор йиллардан бери Ўзбекистонда бир неча соҳалар, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим, ахборот технологиялари, коммунал хизматлар, энергетика, транспорт ва бошқа йўналишларни ривожлантириш бўйича доимий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Биргина Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан жорий йилнинг ўзида бир қатор ишлар амалга оширилди. Чунончи, 2020 йилнинг 23 октябрида вазирлик раҳбарияти билан Корея Халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги офиси вакиллари томонидан "Сирдарё вилоятидаги аҳолининг заиф қатлами қўллаб-қувватлаш дастури" лойиҳасини ҳамкорликда амалга ошириш бўйича меморандум имзоланди. Шунга қўра, Оқолтин туманидаги "Шодлик", Сардоба туманидаги "Бирлик", Мирзаобод туманидаги "Деҳқонобод" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларидаги Маданият марказлари биноларида "Маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканлари" фаолияти йўлга қўйилди. Пресс-тур давомида ана шу ўқув марказларининг очилиш маросимлари ўтказилди. Эътиборли жиҳати, ўқитиш масканларини тикув машиналари, ошпазлик машинали, воситалари, замонавий компьютерлар билан жиҳозлаш, хоналарни таъмирлашга Корея Халқаро ҳамкорлик агентлигининг 500 миллион сўмлик маблағи сарфланган.

(Давоми 2-саҳифада)

Андижон вилояти

САВДО ЯРМАРКАЛАРИ – АҲОЛИГА ЯНАДА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТАДИ

Янги йил байрами олдида Андижон шаҳридаги кўп қаватли уйлар жойлашган маҳаллалар гузарларида арзонлаштирилган савдо ярмаркалари ташкил этилди.

Шу кунларда юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Андижонда ҳам янги йил байрами шуқуҳи кезмоқда. Жойларда байрамни кўтаринки руҳда ўтказиш учун зарур ишлар олиб борилмоқда. Шаҳардаги оммавий байрам тадбирлари ўтказилиши белгиланган ҳудудларда янги йил байрами арчалари ўрнатилиб, пандемия тартиб-қоидаларига амал қилган ҳолда турли кўнгилочар тадбирлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари, андижонликларнинг кўп қаватли уйлар жойлашган, – дейди Қўшариқ маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қобилжон Назаров. – Янги йил байрами савдо ярмаркаси кўп қаватли уйларда яшовчилар учун катта қулайлик яратди. Ямаркада зарур барча маҳсулотлар бор, ҳам арзон. Мол-ғўшанинг қилоси 50 минг сўм, туҳум-

томонидан етиштирилган сифатли ва сархил мевалар, сабзавот ва полиз, шунингдек, асал, сўт, туҳум, ғўшт, балик, умуман, 50 дан зиёд турдаги маҳсулотлар харидорларга тақдим этилмоқда. Дарҳақиқат, байрамолди ярмаркаларида сотилаётган маҳсулотларнинг бозор нархидан бирмунча арзонлиги, қолаверса, савдоларнинг пластик карталар орқали амалга оширилаётганлигидан барча мамнун.

– Маҳалламиз ҳудудида асосан кўп қаватли уйлар жойлашган, – дейди Қўшариқ маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қобилжон Назаров. – Янги йил байрами савдо ярмаркаси кўп қаватли уйларда яшовчилар учун катта қулайлик яратди. Ямаркада зарур барча маҳсулотлар бор, ҳам арзон. Мол-ғўшанинг қилоси 50 минг сўм, туҳум-

нинг донаси 850 сўм, картошка 3 минг сўм, сабзи 1 минг сўм, пиёз 1 минг 500 сўмдан сотилмоқда. Асосий озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг арзон нархларда сотилаётганлигидан маҳалла аҳли хурсанд бўлмоқда. Вилоят ҳокими Шухратбек Абдураҳмонов янги йил байрами олдида ташкил этилган савдо ярмаркалар фаолияти билан танишиш, маҳсулотларни арзон нархларда сотиш, аҳолига сифатли ва юқори савияда хизмат кўрсатиш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Арзонлаштирилган савдо ярмаркалари аҳолига қулайлик яратиш билан бирга, халқимизнинг байрам кайфиятини кўтаришга хизмат қилаётди.

Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

ЯНГИЛАНГАН "НУКУС" ПОЛИГОНИДА БИРИНЧИ "ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ"

Халқ ва армияни бирлаштириб, ҳақиқий умумхалқ байрами сифатида анъанавий нишонланиб келинаётган Ватан ҳимоячилари куни айёмини муносиб кутиб олишга бу йил ҳам ўзгача тарзда тайёргаклик кўрилмоқда.

Юртимизда жорий этилган "Ватанпарварлик ойлари" доирасида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ кўшинлари кўмондонлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ҳамда Вазирлар Кенгаши билан ҳамкорликда кўркам киёфа касб этган "Нукус" дала-ўқув майдонида "Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Бу ҳақда Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати ЎЗАга маълум қилди. Ватанпарварлик, жасорат ва садоқатни тараннум этиб, ёшларга "армия эшиги"ни очган "Армия – ёшлар нигоҳида" фестивалида Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманларидан мингдан зиёд ўқувчи-ёшлар ҳамда ўқитувчилар иштирок этди.

Ҳарбий округ кўшинлари қў-

мондон полковник Фарҳоджон Шерматов фестивалда ёшларни кўтлади.

– Бугунги кунда юртимиз ёшлари спорт йўналишида, илм-фан, ихтирочилик қобилиятларини намоён этиш орқали бутун дунё ареналарида энг юқори поғоналарни эгаллаб, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди, Ал-Бухорий, Бердак ва Ажинияз каби буюк аждодларнинг муносиб авлодлари эканлигини исботламоқда.

Сиз, жондан азиз ўғил-қизларимизга фақат битта тилагимиз бор: ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз, халқимизнинг сизлардан кутаётган орзу-умидларини амалий ишлар билан рўёбга чиқариш йўлида ҳеч вақт чарчаманг, – деди ўз нутқида кўмондон ҳамда уларга эл-юртимиз фахрланадиган, жо-



нажон Ватанимизнинг муносиб фарзанди, ҳақиқий ватанпарвар инсонлари бўлиб вояга етишига тилак билдирди.

Ҳарбий хизматчиларнинг қурол билан саф элементлари ҳамда қўл жанги билан кўрғазмалар чиқишлари, "Айқулач юлдузлари" ансамблининг йигитлари томонидан ижро этилган қорақалпоқча миллий рақслар йиғилганларга хушқайфият улашди.

"Нукус" дала-ўқув майдонида

ташкил этилган 20 га яқин ўқув жойларида ёшлар ҳарбий аслаҳа, ўқотар қуроллар намуналари, жанговар ва ҳарбий техникалар билан яқиндан танишди. Ёшлар жанговар бўлиналаридаги мураккаб тўсиқли йўлақларидан ўтиши, оммавий қиргин қуролларидан ҳимояланиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиши, бир сўз билан айтганда, жанговар тайёргарлик ва касбий маҳоратни юксалтиришлари учун

мавжуд ўқув объектлари ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлди. Ўқувчиларда, айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг дала-ўқув майдонида яшاشи, мароқли дам олиши ҳамда назарий тайёргарлик машғулотларини ўташи учун яратилган шароитлар катта таассурот қолдирди.

Армия ва ёшларни бирлаштирган фестивалда шартли душман жойлашган ҳудудга ҳужум уюштириш, шаҳар шароитида биноларда шартли равишда гаровга олинганларни қутқариш ҳамда бошқа тактик вазифаларни реал вақтда қўриш иштирокчилар учун ўзгача қувонарли бўлди.

Дала шароитида пиширилган ҳарбийча таомлар, ҳарбий хизматчиларнинг руҳий зўриқишларни ечиш хонасида психологик тренинглар ёшларга манзур бўлди.

Нукус гарнизони ҳарбий оркестрининг куйи ва навалари остида полигон ҳудудини тарқ этаётган ёшлар бу ерга, албатта, яна келиш истагини билдирди.

ЎЗА

Уч туманда касб-ҳунарга ўқитиш масканлари очилди

(Боши 1-саҳифада)

Ўқув марказларининг очирилиш тадбирларида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов, Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги директори Пак Сунжин хоним иштирок этди. Дастлаб Оқолтин тумани "Шодлик" маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биноси иккинчи қаватида жойлашган касб-хунарга ўқитиш марказининг очирилиш маросими бўлиб ўтди. Унда сўз олган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов ўз фаолиятини бошлаётган 3 та ўқув марказида биринчи босқичнинг ўзида 200 нафар хотин-қиз ва ёшлар пазандачилик, тивувчилик касблари, компьютер саводхонлиги мутахассислиги бўйича катта малагага эга бўлишини, бу курслар қишлоқларда хали қўллаб ишсиз аёллар ва ёшларни қамраб олишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

– Биз бу йўналишдаги хайрли ишларни давом эттириб, Ўзбекистоннинг бошқа туманлари, чекка ҳудудларида ҳам шундай ўқув марказларини ташкил қиламиз, – дейди Корея Халқаро ҳамжорлик агентлиги директори Пак Сунжин хоним. – Аҳолининг тақлифлари бўйича ўқув марказларида бошқа касбларни ўргатиш ҳам кенг йўлга қўйилади.

Оқолтин тумани “Шодлик” маҳалласидаги касб-хунарга ўқитиш масканида барча хоналар тикув машиналари, ошпазлик маиший техника жиҳозлари, энг янги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланган. Тикувчилар тайёрлаш хонасига 9 та машина ўрнатилган. Тажрибали чевар Нилуфар Жапақова касб ўрганишга келган 18 нафар аёл ва беш йил мактабни тамомлаган ёш қизларга чеварлик сирларини кунт билан ўргатмоқда. Уч ой марказда ўқиган хотин-қизлар бичиш-тикиш бўйича етарли малакага эга бўлган, мустақил тикувчилик фаолиятларини бошлайдилар. Ўқув марказининг пазандачилик бўлимида 24 нафар



хотин-қиз ўз малакасини ошир-
моқда. Улар бир ой давомида 15
хил пиширик, 10 турдаги салат ва
10 хил овқат тайёрлаш сирларини
ўрганади. Марказни зарур озиқ-
овқат маҳсулотлари, тикувчиллик
жиҳозлари билан таъминлаш ҳам
Корея Халқаро ҳамкорлик агентли-
ги томонидан амалга оширилади.
Компьютер саводхонлиги курсида
эса биринчи навбатнинг ўзида 25
нафар ўғил-қиз тахсил олаяпти. Бу
ерда барча компьютерлар тўлиқ
интернетга уланган. Ёшлар компью-
терни ўрганиш билан бирга дунё
англиклари, ўзлари учун зарур
ахборот манбаларидан ҳам баҳра-
манд бўлмоқда. Ўқув масканининг
очилиши "Шодлик" маҳалласи аҳли
учун чинакам байрам тантанасига
айлибди кетди. Гулистон шаҳрида-
ги "Болалар шаҳарчаси" тарбия-
ланувчилари ихро этган корейсча
ракс ва куйлар, ўзбекча янграган
қўшиқлар иштирокчиларга манзур
бўлди. Ўқув маскани тикувчилари
Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги
директори Пак Сужин хонимга икки
халқ ҳамкорлигининг рамзи сифа-
тида ўзбекона тикилган замонавий
бичимдаги тўнни ҳадя қилдилар.

Сардоба тумани "Бирлик" маҳалла фуқаролар йиғини маданият масканида барпо этилган "Маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш маскани"да ҳам ҳамма қулайликлар яратилган. Бу ерда тикувчилик, пазандчилик, компьютер курсла-



рига ўқитишдан ташқари, аёллар маслаҳат маркази, алоҳида кутубхона ҳам ташкил этилган. Марказнинг тикувчилик, пазандачилик, компьютер саводхонлиги бўлимларига 80 нафар ишсиз хотин- қиз ва ёшлар жалб қилинган.

– Ўзим “Почта” бўлимида ишлайман, – дейди марказ компьютер саводхонлиги курси ўқувчиси Фотим Расулова. – Ишонамда компьютер билиш талаб қилинаётгани, ҳозир замонавий ахборот технологияларини эгалламай туриб узоққа бориб бўлмаслигини англаган ҳолда компьютерда ишлаш жараёнларини кўнгил билан ўрганаयман. Бу келажакда менга жуда асқотади. Ҳам ўзим компьютер саводхонлигидан хабардор бўламан, ҳам уйда фарзандларимга “ақлли машина”да ишлашни ўргатаман.

Мирзабод тумани "Деҳқонбод" маҳалла фуқаролар йиғинидаги укув масканининг тикувчилиги, пазанда-чилиги ва компьютер саводхонлиги бўлимларида 66 нафар хотин-қиз ва ёшлар касб йўналишларида таълим олишмоқда. Компьютер хонасига 23 та компьютер жойлаштирилиб, ҳаммаси интернетга уланган. Хотин-қизлар касб сирларини, ёшлар компьютерда ишлашни катта иштиёқ билан ўрганишмоқда.

– Мен Зомин туманидан Деҳқон-
обод маҳалласига келин бўлиб
тушганман, – дейди шу маҳаллада
яшовчи Бувсара Қултомова. – Уч
нафар фарзандим бор. Шу вақт-
гача ишсиз эдим. Корея Халқаро
ҳамкорлик агентлигининг маҳал-
ламизда касбга ўқитиш марказини
очганлиги менингдек ишсиз аёллар



учун аيني муддао бўлди. Ҳозир ўқув марказининг компьютер саводхонлиги бўлимида компьютерда ишлаш малакасини эгаллаяпман. Бу курсни тамомлагач ошпазлик курсига қатнайман. Яхши касб эгаси бўлган киши ҳамма жойда ўз ўрнини топади. Худо хоҳласа, мен ҳам оиламга яхшигина даромад келтириб, тўқис яшаш бахтига эга бўламан.

Амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида шу йилнинг охиригача ушбу ҳудудларда яшовчи 10 мингта эҳтиёмжанд оилаларга зарур аҳамиятга молик воситалар, шунингдек, 45 та ҳасса ва қўлтиқтаёк, 92 та катталар, 7 та болалар ногиронлик аравачалари, 45 та эшитиш мосламалари тарқатилади.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Ўзини асрагани Аллоҳ асрайди

Дунё бўйича ОИВ ва ОИТС касаллиги борасидаги вазият ҳали ҳам мураккаблигича қолмоқда ва ҳам иқтисодий, ҳам жимжитимий муаммоларни юзада келтирмоқда. Бу касаллик бугунги кунга келиб, инсониятни чуқур ўйга толдирадиган, давосиз дард сифатида ер юзида тобора илдиз отиб бормоқда.

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш таъшилотининг маълумотига кўра, бир йилда ўртача вирусли гепатит "В" билан касаллишини 8-16 миллион, вирусли гепатит "С" билан оғриш 2,3-2,4 миллион ва ОИВ инфекциясининг юқishi 80-160 минг шахсга тўғри келади. Ҳозирги вақтда ОИВ инфекцияси бутун инсоният ҳаётига таҳдид қилаётган юқумли касалликлардан бири бўлиб қолмоқда. Дунё бўйича 35 миллиондан ортиқ оддам ОИВ инфекцияси билан яшайди, бу касалликдан ҳозиргача 25 миллиондан ортиқ киши вафот этган.

Ўзини асраганин Аллох асрайди, дер бекора айтилганма. ОИТС инсонлар орасида мавжуд экан, ундан кўриқш эмас, энг аввало ўзини асраш, химоялашни ва касалликнинг олдини олишни билиш лозим. ОИВ инфекциясини юқтириб олган шахсларнинг иммун тизимини мустахамлаш учун етарли микдорда дори-дармонлар ва антиретровирус препаратлари захираси мавжуд. ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш қоидаларига кўра, барча ҳомилдорлар, никоҳланувчи шахслар бепул тиббий текширувдан ўтишга ҳамжбурдирлар. Мақсад, никоҳланувчилар орасида ОИВ билан зарарланганларни аниқлаб, соғлом оилани шакллантириш ва ҳомилдорлар орасида ОИВ билан зарарланганларини эрта аниқлашдир. Ҳозирги вақтда чет элга бориб ишлаб келган меҳнат мигрантларини даволаш муассасаларида тиббий кўриқдан ўтказиш йўлга қўйилган. Тиббий кўриқ вақтида меҳнат мигрантларидан ОИВ, таносил ва бошқа касалликлар қон намунаси олиниб текширилмоқда ҳамда текшириш натижасида юқорида кўрсатилган касалликлар ҳам аниқланмоқда. Ўзи билимга ҳолда ушбу касалликларни турмуш ўртоғига юқтириш ҳолатлари ҳам кузатилмақда. Агар меҳнат мигрантлари ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтса, ўзини ва оила аъзоларини юқумли касалликлардан асраган бўлади.

Хўш, ОИВ инфекцияси қандай юқади? ОИВ кўпинча ҳимоясиз,

пала-партиш жинсий алоқа қилганда ва қон орқали юқади. Вирус билан зарарланган қон ва қон махсусотла-ри, яхши стерилланмаган тиббиёт асбоблари, косметика воситалари, айниқса, битх шприц орқали бир неча киши гиғаздан моддалар қабул қилганда юқиши мүмкин. Шунинг-дек, онадан болага ҳомила орқали, туғиш жараёнида ва эмизганда сут орқали ўттиши мүмкин.

Касаллик умумий идиш-товокдан фойдаланганда, кўл бериб, кучоқлашиб кўришганда, йўталганда, аксирганда, умумий хўжатхонадан фойдаланганда, бирга чўмилганда, ички ва сиртки кийимлардан фойдаланганда, ҳашаротлар чаққанида юкмайди.

Касаллик белгилари қандай
намаён бўлади? Лимфа тугунла-
рининг катталашуви, бир ойдан
ортқ сабабсиз иситмалаш, са-
бабсиз тана вазнининг камайиб
кетиши, юқори нафас йўллари
касаликларининг тез-тез қайта-
ланиши кабилар шулар жумласига
киради. Агар ўзингизда ва бошқа
ақилларингизда ушбу белгилар
пайдо бўлса, кўнглингиз тўқ бўли-
ши учун ҳам яшаш жойидаги ши-
фокорга мурожаат қилиб, керакли
маслаҳатни олмишгиниз, ўзингиз
хохлаган тиббиёт муассасасида
ОИВ касаллигига бепул текшири-
тирингиз мумкин.

ОИВ касаллигинин даволайдиган махсус дори-дармон афсуски йўқ. Ишлаб чиқарилаётган ретровирусларга қарши дори-дармонлар ОИВ вируси қўйишнинг олдинги оғиб, бемор умрини узайтиради ҳолос. Шунинг учун ҳар бир одам оилада, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириши жоиз. Гиёҳвандлик, фоҳишабозлик ва бошқа иллатлардан йироқ бўлса ўзи, оиласи, жамиятни ОИВ касаллиги ва бошқа юқими касалликлардан асраган бўлади

Турсуной ЮЛДАШЕВА
Муқаддасхон
АБДУРАҲМОНОВА,
Наманган вилояти ОИТСга
қарши курашиш
маркази мутахассислари.

Барча соҳалар каби олий таълим соҳаси ҳам қисман бозор иқтисодиётига ўтди ва бюджет сарфини камайтириш мақсадида қабулнинг асосий қисми тўлов контракт асосида шакллантирилмоқда. Келажакда ОТМлар сарф-харажатларини ўзлари қоплаши лозимлиги тўғрисидаги таклифлар ҳам етарлича бўлди ва тажриба сифатида қўлланила бошланди.

ОТМдан кейин ишга жойлашиш

ҚАНДАЙ КЕЧМОҚДА?

Ҳар қандай ташкилот биринчи навбатда иқтисодий самара билан ишлаши лозим, лекин таълим тизими муассасалари мамлакатнинг келажакини яратувчи кадрларни тайёрлашдек стратегик масалаларни ҳал қилишда бюджет кумагисиз ишлаши қийин. Айниқса, иқтидорли талабалар билан ишлашда, ташаббусли инновацион изланишларни олиб боришда, ўқитувчилар малакаларини доимий ошириб боришнинг таъминлашда, кадрлар заҳираси кам бўлган олим тизимларда қурилаётган қорхона ва ташкилотларни мутахассислар билан таъминлашда қийинчиликлар учрамоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида кўплаб корхоналар фаолияти собиқ иттифоқ корхоналари билан интеграциялар бузилганлиги туфайли тўхтаб қолди. Кадрларга эҳтиёж пайсиди, давлатнинг рожалаштириш таскилотлари тугатилди. Битиручиларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ҳар бир таълим муассасасининг ўзига қолди ва уларни тегишли соҳа вакиллари билан келишилган ҳолда иқтисодийга масъул вазирликка тақдим этиш амалиётига киритилди. Лекин талабаларнинг тест синовлари натижаси бўйича қабули вилоятлар кесимида рожалаштириш механизмини кўплаш имкониятини бермади. Шу сабабли 2005 йилларгача ишга тақсимлаш ва йўлланма бериш механизми тўхтаб қолди. Кейинчалик ОТМларга

тақсимот ўтказиш, ишга йўланма бериш ва иш жойлари мониторингини ўтказиш вазифаси юканди. Бундай улкан вазифани бажаришга аҳоли бандлигини таъминлашга бевосита масъул бўлган вазирлик ва маҳаллий ҳокимликларни жалб этиш лозим эди. Олий ўқув юртиларига ишга жойлаштиришнинг мониторинги, яъни таҳлили эмас, барча битирувчиларни иш билан таъминлашдек масъулият юклаб қўйилди. Битта вазирликка ёки соҳага қарашли бўлган ОТМлар учун бунинг имконияти бўлди, лекин кадрлари турли соҳаларда ишловчи ОТМлар учун бу катта юкламага айланди. Ҳар йили вилоятларга бориб битирувчиларнинг ҳар бирига далолатнома тузиш, турли корхона ва ташкилотлар, айниқса, хусусий корхоналар раҳбарлари билан мулоқотлар қилиш гинчичилик билан кечди. ОТМ

жамоалари фаолиятини баҳолаш ҳам битирувчиларнинг ишга жойлашганлиги фоизи билан белгиланиши ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Қабул жараёнларида ҳудудий ташкилотларнинг ҳэтиёжи ээтиборга олинмаслиги айрим ҳудудларда кадрлар танқислигига олиб келди. Жойларда ҳоқимиятлар, бандлик марказларининг битирувчилар билан ишлаш механизми ишлаб чиқилмади. Айрим маҳаллий раҳбарлар, мониторинг мақсадида кетма-кет ташриф буюраётган ОТМлар вакилларига тўлақонли амалий ёрдам кўрсата олмаётдилар. Айрим ҳолларда бир вилоятга бир пайтда 3-4 пойтахт ОТМ ўқитувчилари шу масала бўйича келишади. Ҳар бири ўз битирувчисини излаб вилоят ташкилотларида, бир неча ёки барча туманларда бўлишига тўғри келади. Бундай "саёҳатга" ҳамда ҳужжатларни расмийлаштириб, бар-

нага имзолатиб, мухрлашга эса улгу-
иш деярли мумкин эмас. Натижада
гопшикри "саёз" на битирувчилар учу-
нафиз" бажарилади. Бу ўринда баъзи
бир таклифларни айтиб ўтиш лозим,
деб ўйлайман. Мисол учун, мени юр-
тимизнинг исталган туманига доимий
битиркирса ва ОУМТВ томонидан шу
туманда доимий яшовчи барча олий
таълим муассасаларини битирганлар
ўйхати, манзили, телефони, шартно-
ма тузган ташкилот номи берилса, шу
туманга 5-7 кунга сафарга бориб, барча
корхоналар раҳбарлари билан мулоқот
қилиб, уларни таъйёрлаб, битирувчилар
билан учраштириб, далолатномалар
ўлдириб, ишни фойдали равишда ҳал
қилишим мумкин. Агарда шу туманга
доимий равишда бириктирилиб, алоқа-
да бўлinsa, кейинчалик масалаларни
масофадан ҳам ечиш мумкин бўлади.
Тумандаги бандлик маркази билан ҳам

доимий алоқада бўлиб, олдиндан би-
тирувчилар рўйхатини тақдим этиб,
шартнома тузиш жараёнини янада эн-
гиллаштириш, коррупция ҳолатлари-
нинг олдини олиш ҳам мумкин. Бундан
ташқари, ҳар ўқув йилда бир марта
пойтахтда ўқиётган шў туман талаба-
ларини бириктирилган ОТМда туман
ҳокими, бандлик маркази, йирик иш бе-
рувчилар вакиллари билан бир пиёла
қўй устида учрашувини уюштириш ҳам
мумкин. ОТМларда маркетинг хизмати
тарқибидида амалиёт бўлимлари таши-
л қилиниб, амалиётни сўнгги курсдан
олдин бўлажак иш жойларига режа-
лаштириш ҳам мақсадга мувофиқдир.
Уч томонлама шартномалар тузишни,
унинг ҳуқуқий асосларини чуқур таҳлил
қилиш, соҳаларда кадрларга эҳтиёжни
аниқлаш, мутахассисликлар класси-
фикаторини янада такомиллаштириш
лозим. Классификаторга бир неча

соҳаларда хизмат қилиши мумкин бўлган янги йўналишларни кiritиш мақсада мувофиқ. Масалан, турли соҳа иқтисодчилари, агрокластерлар учун универсал кадрлар, ёнилғи-мойлаш материаллари муҳандислари, АЁҚШ операторлари ва шунга ўхшаш олий маълумотли кадрларни янги дастурлар асосида тайёрлаш муҳимдир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Инновация вазирлиги ёшларни касбага йўналтириш, уларни мамлакат эҳтиёжи учун зарур кадрлар қилиб етказиш, иш жойларига бириктириш муаммоларини ҳал этиш йўллари таҳлил қилиши ва комплекс ечимини топишга бағишланган ишланishлар учун давлат грантлари ажратиш лозим. Бунда ҳам молиявий ҳам вақт бўйича сарфлар сезиларли қамаяди, тавсиялар ечими батафсил ва самарали бажарилади, битирувчиларнинг ишга жойлашиши тезлашади.

Абутолиб СОБИРЖОНОВ
техника фанлари номзоди
Тошкент давлат транспорт
университети доценти



Наманган вилояти

Ҳосилга кон, боғу бўстон Наманган



Наманган ҳақиқатдан ҳам таърифига суз етмас жаннатмонанд бир диёрки, у ҳақда, унинг миришкор фермеру деҳқонлари, томорқачилари меҳнати, бу заминда етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари борасида қанча ёсангиз ҳам кам. Вилоятда йилдан-йилга бошқа соҳалар қатори қишлоқ ҳўжалиги йўналишидаги ютуқлар салмоғи ҳам ошиб бормоқдаки, бу ҳақда вилоят фермер, деҳқон ҳўжалаиклари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Азизбек Аблусаломов муҳбиримизга қўйидагиларни сўзлаб берди:

Жорий йил бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги тизимида фаолият олиб бораётганлар учун ҳам мураккаб келди. Айниқса, дунёни синовларга рўбарў қилган пандемия фермер, деҳқон, томорқа ер эгалариларини "имиҳон"дан ўтказди. Қийин ва ўта мураккаб шароитда барча агротехник тадбирлар бирор дақиқага ҳам тўхтатилмади. Натижада виллоятимиз барча соҳалар бўйича жорий йилни муносиб кўрсаткичлар билан якунлаб, халқимиз олдида юзи ёруғ бўлди.

Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши томонидан 2020 йил учун ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиб, унга кўра вилоятда 1168 та фермер ҳўжаликлари томонидан 1200 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада 3037 та янги ишчи ўрни яратилди. Вилоятда 19,9 минг гектар томорка ерлари мавжу бўлиб, уларга ўтган йилнинг кузида тўқсонбости, эртаки ва ўртаки экинлар экилди. Тўқсонбости экинлардан 106 минг тонна, баҳорги экинлардан 190 минг тонна, жами 296 минг тонна ҳосил олинди. Жорий йилда 2021 йил ҳосили учун 3,8 минг гектарга август-сентябрь ва 7,9 минг гектар майдонга тўқсонбости усулида пиёз уруғи қадақид. Бу ўтган йилга нисбатан 30 фоизга кўп демакдир. Жорий йилда 83,8 гектар томорка ер майдонларида 5664 та хонадон эгаларига ўз маблаг ва имтиёзли кредитлар ҳисобига ихчам конструкцияли иссиқхоналар куриб берилди. Шу билан бирга, 61,9 минг нафар ёрдамга муҳтож, иш билан банд бўлмаган, экиш имконияти йўқ фуқароларга ташаббускор фермер ҳўжалиklar бириктирилди ва амалий ёрдам кўрсатилди. Вилоят бўйича 2020 йилда 52 та маҳалла фуқаролар йиғинлари хонадонларида икки ва уч марта ҳосил олишни йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Деҳқон ҳўжаликлари ва томорка ер эгалари кесимида ҳар бир маҳалланинг ихтисослашув, тупроқ-иклим шароити, сув таъминотини инobatга олга ҳолда, "бир маҳалла-бир маҳсулот" тамойили асосида ҳар бир туманда 4 тадан жами 44 та намунали маҳалла ташкил этилди. Уйма-уй юриш орқали деҳқон ҳўжаликлари ва томорка ер эгаларининг ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини, шу жумладан, ерни тайёрлаш, уруғ, кўчат ва дарaxтлар экиш, иссиқхоналар қуриш, чорва ва паррандаларни кўпайтириш ҳолатини даврий мониторинг қилиб бориш бўйича намунали маҳаллаларда семинарлар ўтказилди. Лойиҳа қиймати 4 млрд. 50 млн. сўмлик 135 та енгил конструкцияли

дала дўконлари қуриш манзилли рўйхати шакллантирилди. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги жамғарим томонидан 70 нафар ташаббускорларга 2,1 млрд. сўм кредит маблағлари ажратиб берилди. Ҳозирги кунда 4 та дала дўконлари қуриб битказилди. Бу борадаги ишлар келгуси йилда ҳам жадал давом эттирилади. Ушбу лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 405 та янги иш ўрни яратилади. Сув таъминоти оғир ҳудудларда ҳам ушбу йилнинг ўзига умумий қиймати 25,2 млрд. сўм таъминот ташкил этган 168 та артезиан қудуқлари қазиб бўйича манзилли рўйхат шакллантирилган эди. Бу қудуқларнинг қазилиши ҳисобига 125 та МФЙларда 8302 нафар томорқа ер эгаларининг 623,9 гектар ер майдонларини сув билан таъминлашга эришилади. Шунингдек, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг қўлаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 126 нафар фуқарога 21 та артезиан қудуқларини қазиб учун 2,5 млрд. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажрати берилди. Шу кунгacha 6 та қиймати 59 млн. сўмлик артезиан қудуқлари қазилиб, 272 нафар томорқа ер эгаларининг 16,3 гектар ер майдонлари сув билан таъминланди. Косонсой, Уччи, Чолат, Чуст, Янгиқўрғон туманларида "Томорқ хизмати" МЧЖлар негизда томорқ кластерлари ташкил қилинган ҳам ў самарасини бериmoқда. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш орқали вилоятда 214 та янги иш ўрни яратилади. Маъму томорқа хизмати кластерлари фаолиятининг йўлга қўйилиши натижаcидa кўчат етиштириш иссиқхоналари, қ сақлаш ва музлатгичли омборхоналар қурилади. Аҳоли томорқаларга техника ва агро хизматлари кўрсатилиб, уру кўчат, ўғит, кимёвий воситалар соти дўконлари ташкил этилади. Аҳоли илхам иссиқхоналари қуриб берилад мева-сабзавотларни қуриштиш ва қай ишлаш йўлга қўйилади, сунтий очириш пунктлари ва жўжа очириш икони ниятига эга инкубаторлар, сутни қа

қилиш пунктлари ташкил этилади, чорва моллари учун ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Масалан, “Чуст томорқа хизмати” МЧЖ кластерига жамғарма томонидан 2,1 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратиб берилди. Бу имтиёз кластерга Хитойдан инкубатор, сутни қайта ишлаш технологиясини сотиб олиш учун шарт-номалар тузиши имконини берди.

Жорий йил давомида фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томоқа ер эгалари, "Томоқа хизмати" МЧЖлари молиявий кўллаг-куватлаш мақсадида, тижорат банкларига 14,6 млрд. сўмлик имтиёзли кредит маблағларини олиш учун талабномалар киритилди. 276 нафар томоқа ер эгаларига 6 млрд. 58 млн. сўм, 3 та "Томоқа хизмати" МЧЖга 5,6 млрд. сўм, 1 та фермер хўжалигига 500 млн. сўм, кредит ажратилди. Ҳозирда 106 нафар томоқа ер эгалари 1,6 млрд. сўм, 3 та "Томоқа хизмати" МЧЖ томонидан 5,6 млрд. сўм, 1 та фермер хўжалиги томонидан 500 млн. сўм, жами бўлиб, 7,7 млрд. сўм кредит маблағлар ўзлаштирилди. Шунингдек, туман марказлари ва аҳоли гавжум жойларда дала дўконлари ташкил этиш мақсадида 70 нафар ташаббускорларга, 2,1 млрд. сўм, сув таъминоти оғир ҳудудларда сув таъминотини яхшилаш мақсадида 21 та артезиан қудуқларини қазिश учун 2,5 млрд. сўм, совутиклик омборхоналар қуриш учун 690 млн. сўм имтиёзли кредит маблағлари жамғарма томонидан ажратиб берилди. Янги йилда ҳам ўз олдинкига катта вазифаларни қўганимиз. Сув таъминоти оғир ҳудудларда 114 та артезиан ва кичик ҳажмли қудуқлар қазिश, аҳоли томоқаларида 5,5 мингта ихчам иссиқхоналар қуриш, аҳоли томоқаларида етиштирилган махсусланган аҳолига арзон наҳллар

да етказиб бериш мақсадида 135 та дала дўкони барпо этиш шулار жумласидандир. Қолаверса, ҳар бир туманда "Томорқа хизмати" МЧЖлар негизида томорқа кластерлари ташкил этилади. Кўп тармоқли фермер ҳўжаликларини ташкил этиш ва улар феолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги дастурга асосан, 713 та фермер ҳўжаликларида 750 лойиҳа 2021 йил якунига қадар миға тўширилади.

Янгикўрғон туманидаги "Озод нур" фазл барака боғлари" фермер ҳўжалигида 10 гектар майдонда сув тежовчи технологиялари жорий этиш билан интенсив боғ барпо этиш ва томчилатиб сугориш учун қазилган ҳавзада интенсив балиқ боқиш ҳам кўзда тутилган. Тўрақўрғон туманидаги "Обод намуна дйёри" фермер ҳўжалигида 100 бош насли кўй боқиш ташкил этилади. Поп туманидаги "Поп мева узумзор" фермер ҳўжалигида 11 гектар майдонда тоқзорлар барпо қилинади. Мингбулоқ туманидаги "Бахтиёр Абдусаломович" фермер ҳўжалигида томчилатиб сугориш учун қазилган ҳавзада интенсив балиқ боқиш тажрибаси оммалаштирилади. Чуст туманидаги "Шуркент Машъал" ва "Чарос Узумлари" фермер ҳўжаликлари томонидан дала дўконлари ишга туширилади. Норин туманидаги 8 та фермер ҳўжаликлари томонидан кичик хамждаги музлатигили омборхоналар фойдаланишга топширилади. Уйчи, Учқўрғон, Норин, Тўрақўрғон туманларидаги томорқаларда тўқсонбости усулида картошка экиш йўлга қўйилади Учқўрғон туманидаги иссиқхоналарда тоқчаларда кулпунй этиштириш оммалаштирилиб, ҳосилдорлик 2-3 баробаргача кўпайтирилади.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ
суҳбатдашди

Сирдарё вилояти

Шаҳобиддин Шамсидиновлар оиласи ўтган асрнинг 70 йилларида Қирғизистоннинг Ўш вилоятидан Оқолтин тумани Сардоба қўрғонига кўчиб келишганди. Чўл собиқ Иттифокнинг турли жойларидан келган инсонларни бирлаштирди. Уларнинг кўз олдига янги уй-жойлар, кичик посёлка қад ростлади. Ёш Шаҳобиддин ҳам шу ерда палак отди.

“Янги йилни улкан орзулар билан кутиб оламиз”

Ёшлиқдан тadbиркорликка ўқуви баланд йигит туман маркази Сардоба кўғонидagi эски бозор олдида бир йўла 60-70 нафар хўрандага хизмат кўрсатадиган чойхонани қуриб, ишга туширди. Уша даврда чўлдаги туманларда чойхоналар ҳам бармоқ билан санарли эди. Мазали таомлар тайёрланадиган емакхонанинг миждозлари тинмай ўсиб борди. Куннинг жазирани исиги, қишнинг қаҳратон совуғида даладан ҳориб келган инсон борки, чойхонага кириб, бир-икки пиёла чой ича, танасига жон эниб, чарчолқари ёзиллиб кетгандай буларди. Шаҳобиддин акани таниган, унинг моҳир пазандалигини эшитган одамларнинг қадими чойхонадан ўзгилмасди.

Оилада улғайган фарзандлар Ҳайитбой, Араббой, Одижон, Дилмуродлар ҳам ота касбининг бошини тутишди. Улар ёнига келинлар ҳам қўшилди. Натжида бутун оила ҳам бўлиб чойхонада ҳўрандаларга хизмат кўрсата бошлади. Йиллар ўтиб, посёлка шаҳарчага айланди. Янги замонавий турар-жойлар, сервис хизмати кўрсатиш шаҳобчалари, кичик саноат корхоналари барпо этилди. Шунга монанд равишда шаҳарчада истиқомат қилаётган одамлар сонин ҳам, чойхонага ташриф буюрувчи, буюртма берувчи мижозлар ҳам қариб икки ҳиссага ортди. Одамларнинг қарашлари, истеъмол маданияти ва тақлифлари ўзгариши билан хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, бу соҳада замонавий мезонларга амал қилишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Шу сабабли Шаҳобиддин Шамсидинов фаолиятини кенгайтириб, эски чойхона ёнида замонавий, барча талабларга жавоб берадиган чойхона қурилишини 2019 йилнинг ўзида бошлаб юборди. Насиб этса тadbirkор 2021 йилнинг биринчи чорағида янги чойхонани ишга тушириш тадоригини кўрапти.

От ўрини тои босар, деганларидек, отаси изидан борган Шаҳобиддин аканинг ўғли Араббой эзгу шўға кул уриб, Самарқанд – Тошкент катта йўл тракти бўйида, аникроғил, Сардоба шаҳарчасидаги ташландиқ ҳолга келиб қолган эски мол бозори ўрнида йўловчи ва сайёҳларга миллий ва Европа таомлари билан намунали хизмат кўрсатадиган, бир йўла 80 та хўранданинг овқатланишига мўлжалланган чойхона вакили қаватли, 48 ўринли замонавий меҳмонхона қурилишини жадаллик билан давом эттирмоқда. Эски мол бозор майдонини тендерда ютиб олган "Шаҳобиддин Юсуфбек" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Араббой Шамсиддинов ўзи барпо этаётган чойхонада пардозлаш, жижохлаш ишларини поёнига етказаяпти. Ҳадемай янги чойхона ишга туширилиб хўрандаларга хизмат кўрсата бошлади. Бу оқолтинликлар учун ажойиб янги йил тўғнаси бўлади.

– Меҳмонхона куриллишми ҳам тезу соз давом эттираяп-
миз, – дейди «Шаҳобиддин Юсуфбек» масъулияти чекланган
жамияти раиси, ёш тadbirkор Араббой Шамсиддинов. – Ҳо-
зиргача меҳмонхонани биринчи қаватини қуриб бўлди.
Меҳмонхона ортида автомобилларга техник хизмат қўрастиш
шаҳобхона, олд томонида автомобилларни қўйиш жойи
сайёҳлар томоша қилиб дам оладиган кемпинг ва алоҳида
гулзор барпо этилади. Утаётган йил ҳаётиимизда унутилмас
из қолдирган бўлса, янги йилни улкан орзулар, ўзгача инти-
лишлар билан қutiб оладиган танимизда бахтиёрман.

Ўз мухбиримиз

“Рангсиз тушлар”га қарши дориси йўқ жамият

Тушларда ранг бўладими ўзи? Бунни текшириб кўриш шарт эмас. Бу бир метафора – “рангсиз тушлар”. Инсон ҳаётидан маъно (ранг) қочиб бораётганига (балки, маъно колмазанди ҳам) ишора эмас.



Аюб Шаҳобиддиновнинг ўтган ҳаётига изоҳ ҳам бермоқчи эдим.

«Рагисиз тушлар фильми» (сценарий муаллифи – Умид Ҳамдамов) четда узок йил қолиб кетган аёлининг ўзбек жамиятига қайтishi ҳақида бўлиб, жамият уни қабул қилмайди. Чунки, бизнинг

“Оқибатли” укалар учун эса “эшакнинг ўзи ҳаром, меҳнат ҳалол”.

Жамият фильмидаги каби манзаранор қайта-қайта бошдан кечирмоқда, таассуфики "Рангсиз тушлар" фильми хатир қилган инсонга қайта имкон бермаётган, ўзига қабул қилмаётган жамиятга қарата тортилган тараки.

Ўзбекино Миллий агентлиги
Ахборот хизмати

|| ЭЪЛОНЛАР

*"PROPERTY SYSTEM" МЧЖ (СТИР 305120091) устас жамгармасы 43741000 сўм 00 тийиндан 387410000 сўм 00 тийинга камайирилмокда. Кредиторларнинг талаби Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Асалобод 2-мавзеси 3-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

Барча дебитор ва кредитор корхоналарга «BEST-VEG» МЧЖ қўшма корхонасининг
устав фонди миқдори камайтирилишини маълум қиламиз. Корхона СТИРК: 304910233.
Телефон: (+998 90) 358-29-00

Ҳечдан кўра кеч ҳам яхши-да

Эски қадрдоним, пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси Зафар Жўраевга Республика қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан Жиззах вилояти ҳокими "Нексия" автомашинасини совға қилганини эшитиб, уни худди ўзим олгандай роса қувондим. Чунки бундай совға ўзидан-ўзи қилинмади – бирон ариғиқун, ўзгача сабаб, баҳона бўлиши керак.

Зафарда баҳона зўр: у "Кейс 2022" русумли машина ёрдамида 20 кун ичида 410 тонна пахта теришга эришган. Бу бир кунда 20,5 тонна пахта дегани, 50 кило ҳисобиди 410 нафар теримчининг кундалик иши дегани. Зафарнинг ҳамкасблари Дўстлик тумани "Агросервис МТП" механик-ҳайдовчилари Бахтиёр Отабоев ва Фанишер Суноновларнинг зафарлари ҳам чакки эмас: 400 тонналар

Зафар, Ғанишер ва Бахтиёр каби малакали ме-
ханизаторлар бoshқарган 170 та машина ёрдамида
30 минг тонна ҳосил териб олинди. Бу кўрсаткич
тўман бўйича уюлган пахта хирмонининг 55 фои-

Зини ташкил этди.

Сизларга балли, дейман механизатор дўстларим. Аслида бу каби тақдирланиш бундан олдинроқ бўлиши ҳам мумкин эди. Аммо унинг кечикиб бўлса-да касб байрамида насиб этгани янаям файзли бўлди. Кеч бўлса-да меҳнатдаги илгорликнинг муносиб тақдирланиши яхши иш.

М.ТОШБОЛТАЕВ,
Қишлоқ хўжалигини
механизациялаш илмий-тадқиқот институти
директорининг илмий ишлар ва инновациялар
бўйича ўринбосари, профессор.



М.ТОШБОЛТАЕВ,
Қишлоқ хўжалигини

механизациялаш илмий-тадқиқот институти
директорининг илмий ишлар ва инновациялар
бўйича ўринбосари, профессор.

Яқинлашиб келаётган янги йил билан!



MIKROKREDITBANK

"Микрокредитбанк" АТБ жамоаси яқинлашиб келаётган Янги 2021 йил билан барча юртдошларимизни самимий табриклайди. Янги йил байрамингиз муваффақият билан бўлсин!


"МИКРОКРЕДИТБАНК МАҚСАД САРИ ДАДИЛ ҚАДАМИ"

СИЗЛАРГА ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА ТЕЗ ВА ҚУЛАЙ БЎЛГАН "ОНЛАЙН ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИНИ" ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ушбу кредитни БХМ 50 баробаригача "МКВ Mobile" иловаси орқали 12 ой муддатга расмийлаштириш мумкин. "Онлайн истеъмол кредити" скрининг таҳлили асосида сугурта полиси таъминоти билан оферта шартномасини тасдиқлаган ҳолда ажратилади.

Қўшимча маълумотларни банкнинг ҳудудий филиаллари, (71) 202-99-99 рақами ҳамда www.mkb.uz сайтидан олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган



«ТОШКЕНТ СУВ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ»
давлат унитар корхонаси жамоаси

Батандошларимизни, тизимда меҳнат қилаётган соҳа ходимларини кириб келаётган Янги йил байрами билан муваффақият эллади.

2021 йилда ҳам зиммамиздаги масъулиятли ишларни амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қиламиз ва жонажон юртимиз тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Кириб келаётган йил ҳамма-ҳамма учун омадлар, меҳнатда улкан ютуқлар йили бўлсин!



«ЎЗАВТОЙЎЛ» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ
ТУЗИЛМАСИДАГИ
«НАВОЙИАВТОЙЎЛ»

ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти жамоаси

мамлакатимиз аҳлини
Янги йил байрами билан қутлайди.
Барча юртдошларимиз оилаларига қут-барақа, юртимиз тараққиёти йўлида олиб бораётган меҳнат фариштида улкан ютуқлар тилайди.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЙЎЛЛАРДАН
МУНТАЗАМ ФОЙДАЛАНИШ
УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

азиз ватандошларимизни кун сайин яқинлашаётган Янги йил байрами билан самимий қутлайди.

Илоҳим, Янги йил юртимизга ободлик, файзу барақа билан кириб келсин. Жонажон Ўзбекистонимизнинг янада обод бўлашага айланиши, жаҳон майдонидаги нуфузи ва мавқеи тобора мустақамланиши, халқимиз турмушининг тобора юксалиши йўлидаги эзгу ишларида барчага улкан зафарлар тилаймиз.

Ватанимиз осмони ҳамиша мусаффо, дастурхонларимиз доимо тўкин бўлсин!

Qishloq
hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси таркибидagi
ҳамда бошқа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

Ҳабиб ТЕМИРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Раимқул СУЯРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Жамшид ХУҲАЕВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шухрат ТИШАЕВ,
Мухаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ХАЙТОВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Маҳмуд ТОИР.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-1225, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қозғоқ бичими А-2. Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. 1 960 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144.

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47. Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78. Факс – 233-44-43, 233-09-93. Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04. e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 12 456

Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 19.50